

Оилавий муносабатлардаги муҳим масала



09:03 / 14.09.2023 3377

Жимоъ — Жинсий алоқа. Жимоъ инсонлар, ҳайвонлар, қушлар, парандалар ва ҳатто ҳашаротларнинг туғма қобилиятидир. Яъни, жимоъ қила олиш кўникмаси бу — барча жонли мавжудотлардаги инстинкт. Туғилган ҳар бир жонзот онгсиз бўлган тақдирда ҳам вақт ўтиб ўзидан насл қолдириб кетади. Ҳеч қайси жонзотга биров жимоъни ўргатмайди, тушунтирмайди, қизиқтирмайди. Лекин шундай бўлса ҳам у жимоъ қила олади.

Шунча онгсиз ҳайвонлар бу ишни ўзи эплаб турганида онгли инсонлар учун нега бу мавзуда ҳафталаб, ойлаб дарслар ўтиш керак?

Ёки бирорта кишини эшитганмисиз, мен уйланганимга 1 йил бўлди лекин нима қилишга ақлим етмаяпти, деган?

Ҳа, оилавий муносабатларда бу масала ўта муҳим. Шунга кўра, унинг аҳамияти, ўзаро муносабатларга таъсири, эҳтиёжларга кўра сабабсиз бош

тортиб юриш хато эканини тушунтириш мумкиндир. Лекин қандай, қанақасиг каби маслаҳатлар оммавий тарзда, гуруҳ-гуруҳ одамларни йиғиб олиб ўтилмайди. Яқинда шу мавзуда эркак ва аёлларга аралаш тренинг ўтилиши ҳақида реклама кўрдим. Ўзимизнинг ўзбек, ўзимизнинг қайсидир шаҳарда ўтилар экан. Тасаввур қилиб бўлмайди, бу мавзуда аралаш ҳолдаги суҳбатни.

Жимоъда манъ қилинган ишлар — маълум ҳолатларда, маълум ўринларга мумкин эмаслигини тушунтириш керак. Жимоъдан олдин ва кейин эътибор бериш керак бўлган мавзуларда тушунтиришлар керак. Лекин булар имкон қадар «ўраб» гапиришни талаб қилади. Чунки одатда одам бу мавзуларни ишорадан ҳам яхши тушунади.

Ишорани тушунмайдиган, ишни ҳам эплолмаётган кишиларга эса хос ҳолатда очиқ тушунтириш мумкин бўлади.

Ижтимоий тармоқларда борган сари шунақа курсларга реклама роликлар кўпайиб борапти, баъзан эркаклар, баъзан аёллар тарафидан. Уларни ҳам қанақадир идора аввал рухсат олиб кейин очиқлашни талаб қилмайдими?

Ёшлар, агар сизга бу мавзу қизиқ бўлса, бу масалада кўпроқ лаззатланиш ҳақида ўйлансангиз, ечимни осон: бу мавзуда камроқ гаплашинг. Гапда қанча ёпиқ бўлсангиз, амалда шунча фойдали бўлади. Ҳам кўз, ҳам қулоқ, ҳам тилни бу мавзулардан қанчалик эҳтиёт қилсангиз, белингизга шунча қувват бўлади.

Агар ҳали бўйдоқ бўлсангиз, бу мавзулардан тамоман тийилганингиз маъқул. Ўйлангунимча тажриба бўлади деб ўйламанг. Тажриба ҳалол жуфти билан амалиётда бўлади, сизда эса бунга имкон йўқ. Шунга кўра, зарар бўлади. Ҳам тиббий, ҳам психологик, ҳам диний жиҳатдан фақат зарар орттирасиз. Бадназар, бадхулқ бўлиб қоласиз.

Икром Шариф

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2023 йил 7 сентябрдаги 03-07/7119-рақамли хулосаси асосида тайёрланди.